

Ғарб мутафаккирларининг қарашларида деструкция ва террорнинг ўзаро муносабати

Сафарова Нигора Олимовна
фалсафа фанлари доктори, доцент
Навоий давлат педагогика институти
“Ижтимоий фанлар” кафедраси мудири

Фромм фалсафасида инсоннинг ички оламидаги ҳис-туйғулари умуман эътиборга олинмай қўйилгани алоҳида таъкидланган¹. Альтруистик муносабат ўрнини эгоизм эгалламоқда. Лекин эгоизм, дейди Фромм, инсон табиатидаги тубан ҳирсий ҳис-туйғуларни қаноатлантиради. Ҳаётга қизиқиш, ундан хайратланиш ҳисси йўқолар экан, инсоннинг онги остида ўлимга интилиш (тантанос кучи) зўраяди. Буни ҳозирги ривожланган жамиятимизда террорист-шаҳидларнинг қўпоровчилик ҳаракатларининг кўпайиши мисолида кузатиш мумкин. Бундай салбий руҳий кучларни Фромм неофилия деб атади. Бундай ҳолатдан чиқиш йўлини Фромм фикрича, жамиятдаги инсонларнинг бир-бирларига бўлган меҳр-оқибатининг юксалиши альтруизм ҳиссиётининг кучайиб боришидадир.

Фромм қарашлари ҳозирги глобаллашув жараёнида терроризмнинг туркум кўринишларига ва уларни юзага келтирувчи потенциал сабабларга қарши курашда муҳим аҳамият касб этади.

Альтруист одам доим оптимист бўлади. У ҳаётга қизиқувчан, хушфеъл, хайратланиш қобилиятини йўқотмаган шахсдир. Бундай одамларнинг ички руҳий ҳолати фақат ижобий бўлиб, ҳар қандай қийинчиликларга дош беришга қодир. Жамиятнинг ҳар қандай салбий ҳолатларида бундай шахслар одамларга далда бўлиб, жамиятда руҳий кўтаринкиликни таъминлайдилар. Бундай кишиларни Фромм “жамият тараққиётини ҳаракатлантирувчи куч” дейди.

¹ Қаранг: Фромм Э. Иметь или быть?: Пер. с англ./Общ. Ред. В.И. Добренков. -2-е изд., доп.-М.: Прогресс, 1990.-С.93.

Терроризм асосини конфликт ташкил этар экан, конфликт зўравонликни, куч ишлатишни юзага келтиради. Бу ҳолат инсонни даҳшат, ваҳима ҳис туйғуларини камраб олади. Хайдегер фалсафасида бундай ҳолат баъзи чегарадош ҳолатларда алоҳида таъкидлаб ўтилган. Инсон ўлимга юз тутган дамларда уни даҳшат ҳиссиёти камраб олади. Даҳшат инсондаги ҳис туйғуларни унинг учун қачонлардир аҳамиятга эга бўлган нарса ва муносабатлар қадрини йўқотади ва ички бўшлиқнинг пайдо бўлишига олиб келади.

Бундай ҳолатни ижтимоий ҳаётда камситилган тазйиққа учраган, хуллас руҳий шикаст олган кишиларда учратиш мумкин. Масалан, Чеченистондаги урушда жуда кўп аёлларда бундай жараёнлар кузатилган. Урушда турмуш ўртоғи, ота-онаси, укасини йўқотган аёллар қариндошлари учун қасд олиш йўлида жонини қурбон қилишга, яъни шаҳидликка тайёр бўлишган. Жангарилар томонидан ўғирлаб кетилган ўсмир қизлар, аёлларда эса маҳаллий қадриятларга асосан, қишлоғига қайтиб келиши уят ҳисобланаган. Ана шунда руҳий шикаст олган кишилардан террористик ташкилотлар фойдаланганлар.

Хайдегер фалсафасидаги соф борлиқ, бўшлиқ инсоннинг руҳий бўшлиғида, парокандаликка олиб келади. “Хўш ким кимни бошқаради? Тафаккурми ёки фикрсизлик? Оқилона ҳатти-ҳаракатми ёки янги, аслида эса эскилигича қолаверадиған нарсага томон шиддатли ва кўр-кўрона интилишми?”². Ушбу ҳолатни диний фанатизм гирдобиди қолган шаҳидлар ҳатти-ҳаракатида кузатиш мумкин. Шаҳидларга жаннатга тушиш, Аллоҳ буюклигига ва унинг муҳаббатига эришиш йўли бу ўлим эканлиги, улар онгига сингдирилади. Хайдегер фикрида ҳам парокандаликдан чиқиш йўли, қачонлардир ўзи қайд этган илоҳий куч билан қўшилиш бўлган “экстаз” ҳолатига олиб келади, яъни қариндошлар ўлими учун кофирлардан қасд олиш, Аллоҳ йўлида жонини қурбон қилиши, бошқалари эса гуноҳларини

² Скирбекк Г., Гилье Н. Фалсафа тарихи. Тошкент: Шарқ, 2002. Б. 692.

ювиш учун албатта шаҳид бўлиши лозим деб уқтирилган. Ҳар иккала ҳолатда ҳам жаннатга тушиш «кафолатланган».

Аристотельнинг фикрига кўра, “кишиларнинг мулкӣ тенгсизлиги” ва “барчанинг бир хил ҳурматга сазовор бўлмаслиги” можароларнинг асосий манбаи ҳисобланади³. Унингча, адолат устидан адолатсизликнинг устун кела бошлаши, давлат арбобларининг аввал ўзларининг фаровонлигини ўйлаши, кейин ўз халқининг эҳтиёжини ўйлаши сиёсий можароларнинг асосий манбаидир.

Аристотелнинг бошқа бир фикри биз учун алоҳида аҳамият касб этади: давлат ўз аҳамиятига кўра, кишиларнинг биргаликда ҳаёт кечиришининг олий кўриниши, кулдорлик жамиятини эркин фуқаролар томонидан бошқаришнинг тимсоли, инсон эса ўз табиатига кўра ижтимоий-сиёсий мавжудотдир. Агар кимдир, тасодифий ҳолатлар оқибатида эмас, балки ўз табиий кучи эвазига давлатдан ташқарида яшаётган бўлса, демак у ё ахлоқий нуқсонга эга, ёки инсондан ҳам юксак даражадаги мавжудотдир. Бундай унсурлар, деган эди Гомер, “уруғсиз, қабиласиз, қонунсиз, ўчоқсиз одам”. Бундай одамнинг табиати фақат урушни қумсайди⁴.

Инсонийлик ижтимоийликнинг етакчилиги, одамнинг бошқа кишилар билан ҳамкорлик қилиш қобилиятини акс эттиради. Ижтимоий ҳаёт кишиларнинг биргаликда ва ҳамкорликда ҳаёт кечиришига ҳаракат қилишлари билан изоҳланади. Маъно моҳияти жиҳатидан деструктив ҳолат ва террорни қиёслаб, уларнинг ўзаро алоқадор эканлигини тан олган ҳолда уларнинг моҳияти инсон табиати билан боғлиқ эканлигини ҳам таъкидлаш лозим. Инсон жамиятнинг бир бўлаги ва ҳар доим у жамият билан алоқада бўлади. Аммо у бир вақтнинг ўзида нимаси биландир, унга (жамиятга) қарши туради, чунки шахс ва жамият манфаатлари ҳар доим ҳам бир-бирига мос келавермайди. Натижада манфаат нуқтаи назардан мавқеларнинг номутаносиблиги вужудга келади. Бу эса ўз навбатида қарама-қаршилик,

³ Аристотель. Сочинение в 4-томах, т. IV трактат «Политика», М.: Мысль, 1983, С.421

⁴ Ўша асар. С. 378-379

рақобат, яъни, можарони юзага келтиради. Бундан жамиятда можаро учун асос доим мавжуд бўлиши тўғрисидаги хулосани чиқариши мумкин. Гуруҳлар ўртасидаги можароларга келсак, ҳар бир шахснинг тарафдорлари ҳамда у билан келиша олмайдиганлар бўлади. Натижада, турли сабаблар туфайли бундай гуруҳлар ўртасида можаролар келиб чиқади.

Гоббс фикрича, фақатгина давлат инсоннинг тинчлигини таъминлашни жонини сақлашни кафолатлайди. Гоббс, давлатсиз одамлар ўзларини хавфсиз ҳис қилмаган, ҳамма фақат ўзига ишониши лозим бўлар эди деган хулосага келган⁵. Зеро инсон жон сақлаши учун моддий неъматларга муҳтожлик сезади ва улар учун курашади. Бундай индивидуал курашда ҳеч бир инсон ўзини хавфсиз ҳис қилмаган бўлар эди. Зотан инсонлар ўртасида жисмоний куч билан ақл камми кўпми тенг тақсимланган. Акс ҳолда узлуксиз кураш давом этган бўлар эди.

Хуллас, Гоббс жамиятни соатга қиёслайди. Соатнинг қандай ишлашини билиш учун уни алоҳида қисмлар ва деталларга ажратиб, хусусиятларни ўрганиш ёрдамида соат механизминини ҳақида тўлиқ тасаввур ҳосил бўлиши мумкин. Зеро, жамият қисмлари, одамларнинг асосий хусусияти ўз ўзини сақлашга бўлган интилишдир. Соатдан модель сифатида фойдаланиб, Гоббс бирдамлик, ўзаро ҳамкорлик, тотувлик, озодлик сингари ижтимоий ҳодисаларни ҳар бир индивиднинг ўзини сақлашга бўлган интилиши деб тушунган. Жамият аъзоларининг хавфсизлиги, соғлиги, жонини сақлашни ҳокимият ёрдамида амалга ошириш мумкинлиги таъкидланади.

Демак, юқоридаги таҳлиллар конфликтлар, ўзаро низоларни, тафовутлар, зўравонлик ва вайронкорликлар терроризмнинг ўзига хос намоён бўлиши эканлигидан гувоҳлик бериши билан бирга, унинг ечимини топишда ҳам муҳим аҳамиятга эга.

⁵ Гоббс Т. Левиофан, или материя, форма и власть государства церковного и гражданского//Соч. в 2 т.-М.: Мысль, 1991.-т.2.-С.95-96.